

Буннан көриўимизге болады, яғный Түркистан үлкесинде қазақ ағайинлер менен қарақалпақлар тығыз араласып жасаған хәм қалмақлардың аўыр сокқысын теңдей қабыллаған хәм өз ўақтында биргеликте жаўға қарсы шапқан.

Қалмақлар тосаттан топылып келди,
Қырдың халқы ықты, жаўға жол берди,
Сегиз мың қалмақты қарекең қырды,
Хабарың Бухарға түсти қаралпақ.

Шартәрепке жайылды буның хабары,
Қалмақлардың қайта түспей гүзары,
Атажурт Түркистан жаўдан адады,
Парахат дәўранлар сүрди қаралпақ.

Үш жүз қырық жыл Түркистанды жайлады,
Не батырлар шығып журтты қорғады,
Атажурт паянлы қоныс болмады,

Айдады Байсыңға малды қаралпақ [6], деген қатарлар усы тарийхый ҳақыйқатлықтан сөз ашады.

Жоңғар шапқыншылығына байланысly жыр үлгилери қарақалпақ халық аўызеки әдебиятының басқа да жанрларында да сақланып қалған. Мәселен, қарақалпақ балалар фольклорында жоңғар шапқыншылығын еске түсиретуғын қайғылы дәўирлердин, посқыншылық күнлердин елеслери үзик-үзик сақланған. Усындай қанлы қырғынлардың сәўлеси қарақалпақ фольклорында:

Ордамды ойрат алды,
Ортама ойран салды,

Ошақта отым қалды,
Он сан оғым қалды.

Жасаўлы ўйим қалды,
Жыйыўлы жүгим қалды,
Жасаўрап көзим талды,
Жуўыспай жағым қалды.

Қаңырап жайым қалды,
Қазықта малым қалды,
Қаңғалап халым талды,

Қарақалпағым қалды, деп қалдырылған. Бундағы *ойратлар* – хошоуыт, дәрбит, хойыт, торғауыт, бағауыт (*баяуыт*) сыяқлы урыўлық бирлеспелерден қуралған жоңғар қалмақлары [2: 147].

Жуўмақлап айтқанда, қарақалпақ аўызеки әдебиятында Түркистан дәўирине байланысly қосықлар, жыр үлгилери баршылық.

Түркистан дәўирине байланысly тарийхый қосықларда қарақалпақлардың халық, ел болып қәлиплескен дәўиринде басына қыйын-қыстаў күн туўылыўы сәўлеленген. Бул дәўирдеги қосықлар туўысқан қазақ халқының қосықлары менен идея-тематикалық жағынан ұқсас келеди. Бундай тарийхый қосықлардың үлгилери жоқарғы қарақалпақлар хәм Таўелибай журтындағы қарақалпақлар арасында еле де сақланып қалған болыўы итимал. Өз нәўбетинде, оларды жыйнаў, баспаға таярлап илимий анализге тартып, таллап барыў дәўир талабы саналады.

Әдебиятлар

1. Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис.: «Қарақалпақстан», 1988, 489-б.
2. Амирлан С. Тарихты изерттеуде халық поэзиясының орны. Абай атындағы Қазақ ұлттық университети «Хабаршы» журналы. №4 (47), 2015.
3. Ахметжанова Ж. Қазақ фольклорындағы тарихи өлендер. Кандид. Диссерт. Автор. – Алматы: 2007.
4. Информатор Қамқа Досмурат кызы, «Бирлик» ш/а, Өтемурат аўылы. Қытай арысы, Қайшылы урыўы, Әлсейит тийреси.
5. Камалов С. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиўи хәм оның мәмлекетлигинин тарийхынан. – Нөкис: ӨзРИАҚҚБ // «Хабаршысы», 2001, 76-б.
6. Қарақалпақ (тарийхый қосық) // ӨзРИА ҚБ Қолжазбалар қоры. Р-1311, Инв.- №184006.
7. Қожықбаев Ә. Тарийхый қосықлар. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1980, 55-б.
8. Мәмбетов К. Ерте дәўирдеги қарақалпақ әдебияты. – Нөкис: «Билим», 1992, 248-б.
9. Тилеўмуратов М. Қарақалпақ поэзиясы – тарийхый дерек. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1994, 342-б.
10. Толстова Л. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959, -С.180.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қарақалпақларнинг XVI аср охирларида Эдил-Жайық дарёлари бўйидан кўчиб ота юрти Туркистонда яшаганлиги ва шу даврларда халқнинг бошидан кечган воқеалар сўз этилади. Қарақалпақ халқи ўз тарихида кўп қийинчиликларни бошдан кечирган. XIII асрда Чингизхон Хоразмни босиб олгандан кейин, Турон пасттекислигида истикомат қиладиган қарақалпақларнинг аксарият қисми Крым, Ўрол тоғларига, Эдил-Жайық бўйларига кўчади. У ерлерда ҳам доимий яшай олмай Туркистонга кўчади. Тинимсиз душман юришлари бу ерда ҳам уларнинг кўп қолишига имкон бермайди. Қолмоқлар истилоосидан кейин қарақалпақлар иккига бўлиниб кетади ва юқори қарақалпақлар Фарғона водийси томонга, қуйи қарақалпақлар Сирдарёнинг қуйи оқимиға қараб кўчади. Мақолада ана шундай тарихий воқеалар асосида пайдо бўлган тарихий қўшиқлар таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье отмечается, что каракалпаки мигрировали в Туркестан вдоль рек Эдил-Джайык в конце 16 века. Народ Каракалпакстана испытал много трудностей в своей истории. В 13 веке армия Чингисхана завоевала Хорезм. После этого большинство каракалпаков, проживающих в Туранской низменности, мигрировали в Крым, на Урал, в Волго-Яик. Не имея возможности жить там постоянно, каракалпаки переехали в Туркестан. Беспощадные атаки противника не позволяют ему оставаться здесь долго. К 1723 году, после вторжения калмыков, каракалпаки разделились на две части. Верхние каракалпаки движутся в Ферганскую долину, а нижние каракалпаки - в низовья Сырдарьи. В статье анализируются исторические песни, возникшие на основе таких исторических событий.

SUMMARY

The article notes that the Karakalpaks migrated to Turkistan along the Edil-Jayik rivers in the late 16th century. The people of Karakalpakstan have experienced many difficulties in their history. In the 13th century, the army of Genghis Khan conquered Khorezm. After that, most of the Karakalpaks living in the Turan lowland migrated to the Crimea, the Urals, and the Volga-Yaik. Unable to live there permanently, the Karakalpaks moved to Turkistan. The merciless attacks of the enemy do not allow him to stay here for long. By 1723, after the invasion of the Kalmyks, the Karakalpaks were divided into two parts. The upper Karakalpaks move to the Ferghana Valley, and the lower Karakalpaks move to the lower Syr Darya. The article analyzes historical songs that have arisen on the basis of such historical events.

МОТИВ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИКДАГИ ТАЛҚИНЛАРИ

О.А.Кучкаров – докторант

Анджон давлат университети

Таянч сўзлар: мотив, сюжет, схематик формула, дихотомик концепция, инвариант, фабула.

Ключевые слова: мотив, сюжет, схематик формула, дихотомик концепция, инвариант, фабула.

Key words: motive, plot, schematic formula, dichotomous concept, invariant, fable.

Адабиётшуносликка “мотив” атамаси мусикашуносликдан кириб келган. Мусикашуносликда “мотив” деганда куйнинг бир нечта ноталарини бирлаштирувчи

ритмик шакланган бўлаги тушунилади. Шунга ўхшашлик асосида адабиётшуносликда адабий асарнинг энг кичик бўлаги тушунилади бошланган. Бирок

адабиётшуносликда “мотив” терминига берилган изоҳлар, тушунчага берилган таърифлар, тадқиқотларда мотив сифатида талкин қилинувчи бирликларни эътиборга олсак, бу атама таърифлари ҳар хил эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун ҳам энг аввал биз ишимизда бу истилоҳни қандай маънода тушунишимизни аниқлаб олишимиз зарур. Шу мақсадда ушбу мақолада мотив ҳақидаги адабиётшуносликда мавжуд фикр-қарашларни қисқача кўриб ўтамоғимиз.

“Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да келтирилган мотивнинг биринчи маъноси қуйидагича: “Сюжет таркибидаги ҳалқалардан бири. Худди шу маънода *мотив* термини халқ оғзаки ижодида, хусусан дoston, эртақ каби катта эпик жанрларни ўрганишда ишлатилади” [1:190] деб айтилади. Луғат мақоласига ушбу термин асосан фольклоршуносликка хос деган фикр сингдирилган, мисоллар ҳам рус ва ўзбек фольклоршунослигига таяниб келтирилган. Терминнинг иккинчи маъносига эса муаллифлар жуда қисқа тўхталиб, “Адабиётшуносликда мотив термини асарнинг асосий мавзуи ва ғоясини тўлдиришга хизмат қилувчи қўшимча мавзу ёки ғоявий линияга нисбатан қўлланади” [1:191] дейиш билан кифояланган. Бу талкинга кўра, мотив мазмуннинг узви ҳисобланади, бошқача айтсак, бунда термин “бош мавзу – мавзуча” силсиласидаги иккинчи атамга синоним сифатида ишлатилади. Яъни луғатда муаллифлар мотив терминини имкон қадар аниқ бир маънода тушунтириш, изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Ҳолбуки, адабиёт назариясига доир қўплаб манбаларда мотив терминига хос қўпмаънолилиқ хусусияти алоҳида таъкидлаб айтиб келинади. Масалан, “Адабиётшунослик луғати”да мотивга қуйидагича таъриф берилади: “**МОТИВ** (лот. *moveo* – ҳаракатлантираман) – муסיқашуносликдан ўзлаштирилган термин. М. мусиқада асарнинг энг кичик шакл бирлиги саналиб, асар унинг айнан такрорланиши (шунингдек, ўзгартирилиши ёки зид М.лар киритиш) асосида ривожланади. Адабиётшуносликда М. термини турлича маъноларда қўлланади. Жумладан, воқеабанд асарларда М. сюжет схемаси (мас., қахрамон банди этилади, унга бирон-бир қиз ёрдам беради; ўғай она ва муштипар солиха қиз; қахрамон қимсасиз етимликдан юксак мартабага етади; қахрамон отасини танимайди, фавқулodда вазиятда унга дуч келади ва х.) ёки бирон бир нарса (мас., кўзгу, тумор), ҳолат (мас., туш кўриш, арвоҳ билан суҳбат, ўзини танитмай юриш), образ (доно вазир, вафодор дўст, рақиб) каби қатор кўринишларда воқе бўлади. М.га хос муҳим жиҳатлардан бири муайян турғунликка эгалиқдир. Яъни М.лар ярим тайёр ҳолда олинади: мавжуд М.лар айнан эмас, ўзак сақлаб қолингани ҳолда ёзувчининг бадий фантазия имконияти ва ижодий ниятидан келиб чиқиб турли вариантларда талкин этилади” [2:180]. Бу таърифда мотив сюжет схемаси эканлиги, шу билан бирга бадий асарда тасвирланган нарса, ҳолат ёки образнинг ҳам “мотив” деб аталиши мумкинлиги айtilмоқда. Шунинг учун ҳам кейинроқ луғатда бадий образ турлари таснифланганда “мотив образ” тушунчаси ҳам келтирилади: “Мотив (мотив образ) шаклий ва мазмуний жиҳатлардан муайян турғунлик касб этган, бир ёки бир неча ижодкорнинг асарларида қайтарилиб туриши билан уларнинг ижодий интилишларини намоён этиб турувчи образдир” [2:180].

Кўриб турганимиздек, “Адабиётшунослик луғати”даги “мотив” ва “мотив образ” тушунчаларига берилган иккала таърифда ҳам такрорийлик хусусияти таъкидлаб айtilган. Ҳақиқатан худди шу хусусият мотивнинг энг муҳим томонини намоён этиб, уни

типологик тушунчалар қаторига киритади. Яъни худди шу жиҳати билан мотив тушунчаси алоҳида ижодкор ёки муайян бир даврда яшаган ижодкорлар бадий оламига хос умумий жиҳатларни аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Демак, юқоридагилардан мана бундай хулосага келиш мумкин: “мотив” тушунчаси алоҳида ижодкор асарларини ўрганишда ҳам, муайян бир давр адабиётини ўрганишда ҳам жуда муҳим илмий категория экан.

Ўзбек адабиётшунослигида мотив муаммоси изчил тарзда ўрганилган эмас. Агар фольклоршунослик йўналишидаги айрим тадқиқотларда алоҳида мотивлар генезиси, функциялари, поэтик тизимдаги ўрни каби масалалар ёритилгани айtilмаса, мотив муаммосига бағишланган назарий ҳаётдаги ишлар деярли йўқ. Балки шу сабаблидир ёки мотив ҳаммага бирдек маълум, ҳамма биладиган нарса деб ҳисобланадими, тадқиқотларда бевосита мавзуга ўтилиб, ҳатто бошланиш қисмида мотив ҳақида обзор тарзидаги назарий маълумот ҳам берилмайди. Шунинг учун ҳам биз тадқиқотимизда кўпроқ хориж олимларининг ишларига таянишга мажбурмиз.

Аслида “мотив” термини XVIII асрда Европа муסיқашунослигида пайдо бўлиб, орадан кўп вақт ўтмасиданоқ адабиётшуносликда ҳам ўзлашган. Ҳар ҳолда, Гёте билан Шиллер орасидаги 1797-1798 йилларга оид ёзишмаларда мотив терминининг адабиётга татбиқан қўллангани шундай ҳисоблашга асос беради [3.436]. XIX аср бошларида немис романтизм адабиётининг назарийетчилари терминни анча фаол ишлата бошлаганлар. Шунга қарамай, терминнинг адабиётшуносликда ҳам ҳозиргидек жуда фаол ишлатила бошланиши XIX аср охириларидан бошлаб кузатилади. Бу даврда “мотив” атамаси сюжет билан боғлиқ тушунчани англашиб, уни кўпроқ фольклор асарлари мисолида тушуниш ва тушунтиришга ҳаракат қилинди. Мотивни сюжетга боғлаган ҳолда ва қиёсий таҳлил учун муҳим илмий категория сифатида ўрганишни рус олими А.Н.Веселовский бошлаб берган. Унинг “Сюжетлар поэтикаси” деб номланувчи асарида мотив ривоянинг энг содда, бўлинмас бирлиги, сюжет асосида ётувчи схематик формула сифатида талкин этилади. Олим бундай деб ёзади: “Мотив деганда мен кишилиқ жамиятининг илк даврларида табиат инсон қаршисига ҳар ерда кўндаланг қилиб қўйган саволларга жавоб берувчи ёхуд воқелиқдан олинган айрича ёрқин, муҳим ёки такрорланувчи бўлиб кўринган таассуротларни мухрловчи формулани тушунаман” [4:301]. А.Н.Веселовскийнинг мотивни “бир узвли образли схематизм” дейиши уни сюжетнинг бўлинмас бирлиги деб қарагани билан боғлиқ. Унга кўра, “куёшнинг ёки оловнинг ўғирлаб кетилиши”, “булутлар ёмғир ёғдирмай қўйиши ёки булоқ сувининг қуриб қолиши”, “ялмоғизнинг соҳибжамолни азобга солиши” қабилар мотивга мисол бўла олади. Масалага тарихий поэтика нуқтаи назаридан қараган олим юқоридаги қабилар сюжет формулалари турли қабилар-элатларда бир-биридан мустақил равишда юзага келган деб ҳисоблайди. Яъни, унинг уқдиришича, бу ўринда бир-биридан ўзлаштириш ҳодисаси кузатилмайди, маиший турмуш шарт-шароитлари ва уларнинг таъсирида шаклланган психикадаги умумийлик бу ўхшашликнинг бош омили деб тушунилади [4:301]. Бундан эса А.Н.Веселовскийнинг мотивларда кузатиловчи ўхшашликларни типологик умумийлик деб билганини кўриш мумкин. Ушбу мотивлардан сюжетлар ўсиб чиқади. Олим бун қуйидагича тушунтиради: “Энг содда мотив формуласи $a+b$ ”. Формуланинг биринчи (a) қисми “ёвуз кампирнинг соҳибжамолни ёқтирмаслиги” бўлса, иккинчи (b) қисмини “ҳаёт учун хавфли вазифанинг

юкланиши” ташкил қилади. Муҳими, бу формуланинг иккала қисми ҳам ўзгара олади, айниқса, унинг *b* қисми кенгайишга мойил. Масалан, “вазифа иккита, учта (эл суйган сон) ва ундан ортик бўлиши мумкин; баҳодирнинг йўлида учрашув бўлади, бундай учрашувлар ҳам бир нечта бўлиши мумкин. Шу тарика мотив сюжетга айланиб боради...” [4:301] А.Н.Веселовский мотивлар ҳақида сўз юритганда уларнинг такрорланиш хусусиятига алоҳида таъкидлаб урғу беради. Айтиш керакки, биз юқорида кўчирма келтирган “Сюжетлар поэтикаси” асари олим фаолиятининг сўнгги даврларида яратилган. Аслида эса, у мотивнинг такрорланиш хусусиятига ўзининг илк асарларидаёқ эътибор қилган эди [5:32]. Мотив ҳақидаги таълимотини мифлар ва халқ оғзаки ижоди материалига асосланиб ишлаб чиққани учун ҳам А.Н.Веселовский мотивлар тарихан турғун хусусиятга эга ва улар (кейинги даврларда) чексиз марталаб такрорланавериши мумкин, деган фикрни илгани сурган эди. Худди шу такрорланиш хусусияти мотив ҳақидаги мавжуд илмий концепцияларнинг ҳаммасида марказий ўрин тутати.

А.Н.Веселовский бўлинмаслик хусусияти ҳақида гапирганида, мотивни “бир узвли образли схематизм” деб атаганида унинг семантик томонини, яъни образ сифатида бир бутун эстетик қимматга молик маънога эғалигини назарда тутати. Мотивнинг бу тарзда тушунилиши адабиётшуносликда “семантик концепция” деб юритилиб, кейинча А.Л.Бем ва О.М.Фрайденберг ишларида ривожлантирилди [6:17].

Ўтган асрнинг 20-йиллари охирларига келиб А.Н.Веселовский ишлаб чиққан семантик концепция В.Я.Пропп томонидан танқид остига олинди. В.Я.Пропп бунда образнинг семантик бутунлигини бўлинмаслик асоси деб олган А.Н.Веселовскийдан фарқли равишда асосий мезон қилиб “мантикий бутунлик” тушунчасини олди. В.Я.Пропп салафи ўз фикрини далиллаш учун мисол тариқасида келтирган мотивларнинг ҳам парчаланишини айтиб, шундай ёзади: “Мана “аждар подшоҳнинг қизини ўғирлади” мотивини олайлик. Бу мотив 4 та элементга ажраладики, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолда ҳам вариантланиши мумкин. Аждар бемалол Кошчей билан, довул, шайтон, лочин ё жодугар билан алмаштирилавериши мумкин” [7:22]. Мотив тушунчасини мантикий бутунлик мезони асосида танқид қилгач, Пропп ундан мутлақо воз кечади-да, ўрнига ривоянинг кичик бирлиги сифатида “иштирокчи шахс функцияси” деган тушунчани киритади. Бироқ мотившуносликда В.Проппнинг А.Н.Веселовский қарашларини инкор этиш ҳаракати ҳақиқатда ала-оқибат тамом аксинча натижага олиб келгани ҳам таъкидланади.

Масалан, С.Г.Шалыгинанинг фикрича, В.Я.Пропп илмий муомалага киритган “иштирокчи шахс функцияси” тушунчаси мотив тушунчасини алмаштирди эмас, унинг семантик талқинини чуқурлаштирди. Зеро, мотив семантикаси ва умуман сюжет нуктаи назаридан В.Пропп назарда тутаётган функция мотивнинг семантик компонентларидан бири холос, моҳиятан у мотивнинг кўплаб фабулавий вариантларидан узиб олинган умумлашма маъносини ифода этади. Бу жиҳатдан қараганда В.Я.Пропп мотивларни умумлаштириш амалини изчил амалга оширган бўлиб чиқади [8:250]. Тадқиқотчи бу қарашларини баён қилганида И.Силантьевнинг мана бу фикрларига таянади: “функция – бу бош сема, ёки мотивнинг вариатив маъноси структурасида марказий ва инвариант мавқени эғаллаган бош семалар мажмуи. Шунинг учун мотивнинг жавҳар узви, семантик инварианти ўлароқ ҳам функция мотивни ўринма-ўрин алмаштира олмайди, худди қисм (ҳатто марказий

бўлганида ҳам) бутунни алмаштира олмагани каби” [6:27].

Юқорида айтиб ўтилган жиҳатларни назарда тутган ҳолда ҳозирги давр мотившунослигининг етакчи мутахассислари “мотив” ва “иштирокчи шахс функцияси” тушунчаларидан аввалгисига устунлик берадилар. Жумладан, соҳанинг жаҳоний эътирофдаги мутахассисларидан бири Е.М.Мелетинский асослаб мана бундай дейди: “Пропп санаб ўтган функция вариантларининг аксари типик мотивлардир” [9:115]. Шунингдек, бу иккала тушунча орасида бир-бири билан муқобиллик эмас, ўзаро тўлдирувчилик муносабати борлигини Б.Н.Путилов, В.В.Ивановлар ҳам қувватлашади [10:310]. Энг муҳими эса, В.Я.Пропп ўзи ҳам кейинроқ яратилган “Сехрли эртак морфологияси” номли асарида мотив тушунчасига қайтади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, В.Я.Пропп бу асарида методологик жиҳатдан А.Н.Веселовский очиб берган йўлдан борган, унга эргашган [11:126].

Юқоридагилардан аниқ кўриниб турибдики, адабиётшуносликда мотив масаласида турлича қарашлар мавжуд. 20-йилларда “мотив” тушунчасини умуман инкор қилган, уни адабиётшунослик учун зарур эмас ёки аслан мавжуд бўлмаган, ўрганиш мақсади билангина ўйлаб топилган абстракция деб қараган мутахассислар ҳам бўлган. Жумладан, мотив структурасидаги инвариант ибтидони кашф этган Л.А.Бем уни бевосита мотивнинг семантик бутунлиги билан, вариантларни эса конкрет асар мазмуни билан боғлайди. Бу ҳол эса унга мотивнинг адабий мавжудлигини инкор қилиш, “мотивлар – конкрет мазмундан мавҳумлаштириб ҳосил қилинувчи фикциялардир” [8:252] деган кескин ҳулосага келиш учун асос бўлади. Кейинроқ Б.И.Ярхо мотивнинг А.Н.Веселовский тавсифлаган ривоя бирлиги сифатидаги мақомини инкор қилди. Унга кўра, мотив ҳақиқатан сюжетнинг бўлиниши, бироқ унинг чегараларини тадқиқотчининг ўзи ихтиёрий тарзда белгилайди. Шунинг учун ҳам, модомики, мотивнинг чегаралари субъектив тарзда белгиланар экан, уни муайян бирлик сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, Б.И.Ярхо мотивнинг семантик мақомини ҳам инкор қилади, чунки “битта воқеалар ўрамини “Евгений билан Ленскийнинг жанжали” деб ҳам, “скептикнинг энтузиаст билан тўқнашуви” деб ҳам айтиш мумкин”. Бу каби қарашлар олимни мотивнинг адабий мавжудлигини тўла инкор қилишга олиб келади: “Аниқки, мотив сюжетнинг реал қисми эмас, балки сюжетларни ўзаро қиёслашга хизмат қилувчи ишчи терминдир” [12:221].

Мотивнинг мавжудлигини инкор қилиш тенденцияси билан бирга айнан шу давр адабиётшунослигида унинг дуалистик табиати ҳам англаб бoшланди. Яъни бу даврда яратилган мавзуга оид тадқиқотларда мотивга, бир томондан, ўзининг умумлашма маъносига эга БАДИЙ ТИЛ бирлиги, иккинчи томондан, асар фабуласи, персонажлари, вазияти ва б.лар билан мувофиқлашувчи конкрет семантикага эга БАДИЙ НУТҚ бирлиги сифатида тушунила бoшланди.

Мотивнинг дихотомик (иккиёклама) табиати унда семантик инвариант ва конкрет асарда намоён бўлувчи фабулавий вариантлар мавжудлиги билан белгиланади. А.И.Белецкий “Сўз санъаткори устахонасида” (1923) номли китобида бунга илк бор диққат қилиб, “схематик мотив” ва “реал мотив” тушунчаларини фарқлайди. Олим буларнинг биринчиси “инвариант схема” билан, иккинчиси эса муайян асар сюжети билан боғланади деб ҳисоблайди. Буни у келтирган мисоллар орқали ёрқин тушуниб олиш мумкин: “Кавказ асири”даги бош мотивнинг реал кўриниши “черкес қизи рус асирини севади” тарзида ифодаланса, унинг семантик

инварианты “хорижлик киз асирни севади” шаклида бўлади. А.И.Белецкий кашф этиб, “Эртақ морфологияси” асарида В.Пропп амалий ривожлангирган дихотомик концепция Л.Долежал, А.Дандес, Л.Парпулова, Н.Г.Черняева каби қатор олимларнинг ишларида тугал шаклланди.

Мотивга тематик ёндашув В.Б.Томашевский, Б.В.Шкловскийларнинг ишларида назарий тавсифланган бўлса-да, илдизлари А.Н.Веселовскийдаёқ бўлган. Мотивни тема орқали тушунтираркан, В.Б.Томашевский бутун асар темаси ва ҳар бир қисм темаси мавжуд бўлишини уқдиради: “Асарни тематик қисмларга ажратиш йўли билан бориб, ниҳоят, унинг бўлинмас қисмларига, тематик материалнинг энг майда бўлақларига етиб борамиз... Асар бўлинмас қисмининг темаси мотив деб аталади. Моҳиятан – ҳар бир жумла ўзининг мотивига эга” [13:182]. Б.Томашевский талқинида мотив – темадан ҳосила тушунча, тематика доирасида ёрдамчи вазифа бажаради: фабула ва сюжетни боғлаб, улар орасидаги муносабатни аниқлашга хизмат қилади. Шундай ёндашгани учун ҳам олим А.Н.Веселовский талқинидаги “бўлинмаслик” тушунчасини инкор этмайди. Бунинг сабаби шуки, у “Қиёсий ўрганишда турли асарларда учрайдиган тематик бирлик мотив деб аталади... Бу мотивлар бир сюжет қурилмасидан бошқасига бутун ҳолича ўтади. Қиёсий поэтика учун уларни яна ҳам кичик мотивларга ажратиш мумкинлиги қизиқ эмас” [13:182] деб билади. Яъни Б.Томашевский мураса йўлини тутати: қиёсий ўрганишда бўлинмаслик принципи кераклигини эътироф этади, бунинг ўзи илгари сурган тематик концепцияга мувофиқ

эмаслигига эътибор қилмайди. В.Шкловскийнинг мотивни тушуниши моҳиятан тематик, бироқ Б.Томашевский қарашларидан сезиларли, фабула ва сюжетга алоқаси нуктаи назаридан ҳатто бир-бирига зид. Б.Томашевский талқинида мотив асар фабуласининг тематик “ғиштча”си бўлса, В.Шкловский талқинидаги мотив сюжетнинг мазмуний “ғиштча”си, яъни фабуладан юқори мақомда. В.Шкловскийга ўхшаб, А.П.Скафтымов ҳам мотивни сюжетга, аниқроғи, асар сюжети воситасида умумлаштириётган психологик темага боғлайди. Шунга кўра, у мотивнинг бўлинмаслигини ҳам персонажнинг яхлит психологик хусусияти (“айбдорлик ҳисси мотиви”, “ҳасадгўй худбинлик мотиви” каби) билан боғлаб тушунтиради [14:33].

Юқорида мотивни ўрганишдаги асосий илмий йўналишлар – семантик, морфологик, дихотомик, тематик ёндашувлар тарихига бир қур назар ташлаб ўтдик. Мазкур илмий йўналишларнинг ютуқларига таянган ва ғояларини ривожлангирган ҳолда *мотившунослик* (мотивика) фани шаклланган бўлиб, масалани турли аспектлардан чуқур ўрганиш узлуксиз давом этиб келмоқда. Ўтган аср ўрталаридан мотившунослик бобида фаол тадқиқотлар олиб борган С.Томпсон, А.Дандес, А.Греймас, В.Кайзер, Л.Парпулова, Л.Долежал, Ж.Женетт, Е.М.Мелетинский, Б.М.Гаспаров, А.К.Жолковский, Н.Г.Черняева, Б.Н.Путилов, Н.Д.Тамарченко, В.И.Тюпа каби кўплаб олимларнинг илмий изланишлари мотив назариясини бойитди. Булар ҳақида кейинроқ алоҳида мақолада тўхталишни ният қилиб ҳозирча айтилганлар билан чекланамиз.

Адабиётлар

1. Хатамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати.- Т.: “Ўқитувчи”, 1979, 190-б.
2. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати.- Т.: Академнашр, 2010, 180-б.
3. Гёте И.В., Шиллер Ф. Переписка: в 2-х т. Т.1.- М.: “Искусство”, 1998, - С. 436.
4. Веселовский А.Н. Историческая поэтика.- М.: “Высшая школа”, 1989.- С.301
5. Веселовский А.Н. О методе и задачах истории литературы как науки. // Веселовский А.Н. Историческая поэтика.- М.: “Высшая школа”, 1989, - С.32-41
6. Каранг: Силантьев И.В. Поэтика мотива.- М.: Языки славянской культуры, 2004.- С.17-20
7. Проп В. Морфология сказки.- Л.: Academia, 1928.- С.22
8. Шалыгина С.Г. Понятие «мотив» и его интерпретация в теории литературы и музыке // Социально-экономические явления и процессы.- 2001. №1(035).- С.250-254
9. Мелетинский Е.М. Семантическая организация мифологического повествования и проблема создания семиотического указателя мотивов и сюжетов // Учен. зап. Тартуского гос. ун-та. Вып. 635.- Тарту, 1983.- С.115-125
10. Путилов Б.Н. Веселовский и проблемы фольклорного мотива // Наследие Александра Веселовского. Исследования и материалы.- СПб, 1992.- С.74-85; Иванов Вяч. Вс. Из прошлого семиотики, структурной лингвистики и поэтики // Очерки истории информатики в России. – Новосибирск: 1998.- С.310-340
11. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа.- М.: 1976.- С.126
12. Ярхо Б.И. Методология точного литературоведения (набросок плана). Контекст –1983. – М.: 1984.- С.221-222
13. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика.- М.: Аспект пресс, 1996.- С.182.
14. Скафтымов А. П. Нравственные искания русских писателей.- М.: Художественная литература, 1972, - С.33-35

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мотив тушунчаси ва унинг адабиётшуносликдаги талқинлари, генезиси, функциялари, поэтик тизимдаги ўрни каби масалалар ёритилган. Мақолада мотив ҳақида баҳсга сабаб бўлаган айрим ғарб олимларининг қарашлари таҳлил қилинган ва асосли мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается понятие «мотив» и его интерпретации в литературе, генезис, функции, место в поэтической системе. В статье анализируются взгляды некоторых западных учёных, вызвавшие споры о мотивах, и даются обоснованные комментарии.

SUMMARY

In the article, the author discusses the concept of motive and its interpretation in the literature, genesis, functions, place in the poetic system. In the article the author analyzes the views of some Western scholars that have caused controversy about motives, and substantiated comments are given.

ShE'RIY MATNDA AYOL NUTQIGA XOS LEKSEMALARNING BADIYATI

N.Salohiddinova - mustaqil izlanuvchi

Andijon davlat universiteti

Tayanch so'zlar: badiiy asar tili, gender lingvistika, nutqiy xoslanish, nutqiy odat, vulgar so'zlar, o'zbek ayoli timsoli, gender omillari

Ключевые слова: язык художественного произведения, гендерная Лингвистика, речевое происхождение, речевая привычка, вульгарные слова, образ узбекской женщины, гендерные факторы

Key words: language of the literary-artistic work, gender linguistics, speech origin, speech habit, vulgar words, the image of the Uzbek woman, gender factors

KIRISH. So'z voqelikni tasvirlashda, ma'lum axborotni yetkazishda asosiy quroldir. Shunday ekan, ijodkor

yaratgan asarida o'z tilining imkoniyatlaridan kelib chiqib, so'zning bor jozibasidan foydalanadi. Buning natijasida